



Буюк хукмдорларидан Султон Махмуд Собуктакин Газнавийлар давлатининг илм ва салохиятда тенгсиз хукмдорларидан эди. У бутун хаёти мобайнида дини исломни ёйишда ўз шижоатини аямади. Унинг дин ва маърифат пешволарига бўлган мухаббати чексиз эди. Шу сабабли уларнинг зиёратларига борар, уларнинг тавсия ва иршодларига кўра ўз тадоригини кўрар эди.

Бир сафар вазирлари ва амирлари билан биргаликда замонасининг кўзга кўринган авлиёларидан шайх Абул Хасан Хараконий хазратларини зиёрат қилишга борди. Одамларидан бир нечтаси шайх олдига олдинрок бориб унинг олдига Султон Махмуд келаётганини, бориб уни кутиб олиши кераклигини айтишади. Шайх уларнинг гапларига парвосига ҳам келтирмабди, хатто жойидан кимирлаб ҳам кўймабди. Султон ва одамлари шайх эшиги олдигача яқинлашдилар. Бош вазир ялингудай бўлиб «Эй дин пешвоси, ҳеч бўлмаса подшойи салтанатни эшигингиз олдида кутиб олинг», деди. Хараконий бу гапга ҳам ижобат қилмади. Вазир энди баланд овозда «Эй муборак зот, сен Аллоҳ таоло Куръони каримнинг «Нисо» сураси 59-оятида «Эй мўъминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!» деганини, унутдингми?», деди.

Шайх Хараконий жавоб тарзида: «Биз сен айтганинг Аллоҳ амрининг «Аллоҳга итоат қилингиз» деган жойигача тўлик амал қилмаяпмизки, хали навбат Пайгамбарга ҳам етиб келмади, султонга йўл бўлсин....»

Султоннинг ушбу гапга заррача ҳам жахли чикмади ва у ҳам индамайгина муридлар орасига сукулди. Зиёратдан сўнг атрофдагилари билан шайхга чуқур ҳурмат бажо қилиб саройга қайтиб кетди.

Ирода Тўрахонова тайёрлади

